

ЎЗБЕКСИТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил 23 апрель куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди сайёр суд мажлисида "3-чарх Камолон" МФЙ биносида, судья С.Мамадиевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Сайдуллаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси – Чилонзор туман прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Рустамов, судланувчи Х.Эргашов ва унинг ҳимоячиси – «AJM DEFENSE» адвокатлик бюроси адвокати Ж.Махмутқуловнинг иштирокида, Эргашов Хусниддин Хайриддин ўғлига оид 1-1006-2502/470-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Эргашов Хусниддин Хайриддин ўғли (Ergashov Xusniddin Hayriddin o'g'li), 1998 йил 25 декабрь куни Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, Тошкент вилояти, Зангиота туманида жойлашган "VITAL" ичимлик суви ишлаб чиқариш заводида оддий ишчи, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Обот" МФЙ, Марказ шох кўчаси, 3-уйда рўйхатда туриб, яшаган, муқаддам судланмаган, 05.01.2025 йилда ЖПКнинг 224-моддаси тартибида ушланиб, 06.01.2025 йилда озод қилинган, иш бўйича 17.03.2025 йилда "муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат" эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Суд судланувчининг кўрсатувларини тинглаб, гувоҳларнинг кўрсатувларини ўқиб эшиттириб, дастлабки тергов ва судда тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг музокаралари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Х.Эргашов 2025 йил 05 январь куни соат тахминан 04:00да Чилонзор тумани ИИО ФМБ ходимлари Чилонзор тумани, "Бектўпи" МФЙ, Дийдор кўчаси, Дўмбиробод қабристонини олдида хизмат олиб бораётган вақтларида, унинг хатти-ҳаракатларида шубҳа уйғотганлиги сабабли, икки нафар ҳолислар иштирокида унинг ёни кўздан кечирилганда, эгнидаги шимининг ўнг чўнтагидан 2.000 сўмлик купюрага ўралган, яшил рангли ўткир хидли махоркасимон модда ҳамда қопқоқ ўртасига жойлаштирилган



ангишвона борлиги аниқланиб, ИИБ ходимлари томонидан холислар иштирокида тегишли тартибда расмийлаштириб олинган.

Судга оид кимёвий экспертизасининг 06.01.2024 йилдаги 14-сонли хулосасига кўра, Х.Эргашовдан аниқланган модда таркибида фаол гиёхванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, оғирлиги 0.47 граммга тенг бўлган “ТАШИШ” гиёхвандлик моддаси эканлиги аниқланган.

Суд мажлисида судланувчи Х.Эргашов эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб, у 2025 йил 02 январь куни соат тахминан 23:00да “TELEGRAM” ижтимоий тармоғи орқали “Мастерка 01” каналига кириб, 175.000 сўм миқдоридagi пуллар эвазига ўзи истеъмол қилиш учун тахминан 0,25 граммга тенг миқдорда гиёхванд модда буюртма берганлигини, орадан 10 дақиқа ўтиб, телеграм ижтимоий тармоғидан локация келганлиги, локация бўйича Чилонзор тумани, “Бешқўрғон” МФЙ ҳудудида жойлашган “Иподром” савдо мажмуасидан ўтиб, йўл четидаги уйнинг томига ўрнатилган шифер “тунука”нинг остидан оқ полиэтилен изолентага ўралган махоркасимон, гашиш моддасини олганлигини, у ушбу гиёхванд моддасини олганидан сўнг уни 1 дона сигаретнинг махоркаси билан аралаштириб, 2.000 сўмлик купюрадаги пулга ўраганлиги ва эғнидаги тўқ кўк рангли жинси шимининг олд кичкина чўнтагига солиб қўйганлигини, 2025 йил 05 январь куни соат тахминан 04:00да Чилонзор тумани, “Бектўпи” МФЙ ҳудудида жойлашган компьютерхонадан чиқиб, уйга кетаётган вақтида, Чилонзор тумани, “Бектўпи” МФЙ, Дийдор кўчаси, Дўмбиробод қабристони олдидан ўтиб кетаётганида, ИИО ходимлари келиб қолишганлиги ва нима қилаётганини сўрашганида, у уларга уйга кетаётганлигини айтганлигини, ИИО ходимлари холислар иштирокида уни ёнини кўздан кечиришганида, 2.000 сўмлик купюрадаги пулга ўралган махоркасимон гашиш моддасини ҳамда чекиш учун мўлжалланган 1 дона баклашка қопқоғини холислар иштирокида ашёвий далил сифатида расмийлаштириб олишганлигини, ушбу гиёхвандлик моддасини бошқа шахсларга сотиш ва ўтказиш мақсади бўлмаганлиги, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини, бу ҳолат бошқа қайтарилмаслигини, суддан унга нисбатан енгилроқ жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Суд иш бўйича тўпланган далилларга баҳо бериб, судланувчининг содир қилган жиноятлари ўз тасдиғини топган ва қуйидаги далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди. Жумладан;

Судланувчи Х.Эргашовнинг ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, тарафларнинг розилиги билан дастлабки терговдаги кўрсатувлари суд мажлисида ўқиб эшиттирилган гувоҳ А.Мусаев, у 2025 йил 05 январь куни соат тахминан 05:00да Чилонзор тумани, “Бектўпи” МФЙ, Дийдор кўчаси, Дўмбиробод қабристони олдидан ўтиб кетаётган вақтида уни олдига ИИО ходимлари келиб, ундан бир ишда холис сифатида иштирок этишини, яъни кимнингдир хатти-ҳаракатлари шубҳали эканлигини, шунинг учун унинг ёнини кўздан кечиришда холис сифатида иштирок этиб беришни сўрашганлиги сабабли холис сифатида иштирок этиш фуқаролик бурчи бўлганлиги учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган



ходимларининг таклифига рози бўлганлигини, унга холиснинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тушунтирилганлигини, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари шубҳа туғдирган унга олдиндан таниш бўлмаган кейинчалик маълум бўлишича, Эргашов Хусниддин Хайриддин ўғлининг ёни эғнидаги шимининг ўнг чўнтагидан 2.000 сўмлик купюрага ўралган, яшил рангли ўткир хидли махоркасимон модда ҳамда қопқоқ ўртасига жойлаштирилган ангишвона борлиги аниқланиб, ИИО ходимлари томонидан расмийлаштириб олинганлигини, шундан сўнг, ИИО ходимлари уни ИИО маъмурий биносига бўлган ҳолат бўйича тушунтириш хати ёзиб бериши учун олиб боришганлигини ва бўлган ҳолат бўйича ИИО ходимларига тушунтириш хати ёзиб берганлиги ҳақидаги;

- Шунингдек, дастлабки терговдаги кўрсатувлари суд мажлисида ўқиб эшиттирилган гувоҳ Ҳ.Амиров, у 2025 йил 05 январь куни соат тахминан 05:00да Чилонзор тумани, “Бектўпи” МФЙ, Дийдор кўчаси, Дўмбиробод қабристонидан олтиб кетаётган вақтида уни олдига ИИО ходимлари келиб, ундан бир ишда холис сифатида иштирок этишини айтишганлигини, у ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг таклифига рози бўлганлигини ва унга холиснинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тушунтирилганлиги, шундан сўнг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари шубҳа туғдирган унга олдиндан таниш бўлмаган кейинчалик маълум бўлишича Эргашов Хусниддин Хайриддин ўғлининг ёни эғнидаги шимининг ўнг чўнтагидан 2.000 сўмлик купюрага ўралган, яшил рангли ўткир хидли махоркасимон модда ҳамда қопқоқ ўртасига жойлаштирилган ангишвона борлиги аниқланиб, ИИО ходимлари томонидан расмийлаштириб олинганлиги, у ҳолат юзасидан ИИО маъмурий биносига бориб тушунтириш хати ёзиб берганлиги ҳақида кўрсатув берган.

Шу маънода, судланувчи Х.Эргашовнинг айби ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомалари ва унга илова қилинган фотожадваллар, ашёвий далилни олиш ва сўроқ баённомалари, жиноят ишининг бир қисмини алоҳида иш юритувига ажратиш тўғрисидаги қарор, судга оид кимёвий ва судга оид наркологиya экспертиза хулосалари, тушунтириш хатлари ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибида баҳоланган бошқа объектив далиллар мажмуи билан ўз исботини топган.

Суд, судланувчи Х.Эргашовнинг гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлашда ифодаланган жиноий қилмиши дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг



2023 йил 23 июндаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 16-сонли қарорининг 6-бандида “Судлар Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олишлари зарур”лиги кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 15-бандидаги “Судларга жарима тариқасидаги жазо турини нафақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар, балки оғир жиноятлар содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан ҳам, агар бу жазо қонун санкциясида назарда тутилган бўлса, кенгроқ қўллаш тавсия этилсин” деб кўрсатилган.

Суд, судланувчи Х.Эргашовга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖК 7-моддаси, яъни инсонпарварлик принципи ва Ўзбекистон Республикаси ЖК 8-моддаси, яъни одиллик принципига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида “Ўзбекистон Республикаси ЖК 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларни, жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилиқ даражасини айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, унинг шахсини, муқаддам судланмаганлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, гиёҳвандлик воситасини тури ва миқдорини ҳамда содир этган жиноятини ижтимоий хавфлилиқ даражасини инобатга олиб, ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб эътироф этиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан, модда санкциясида назарда тутилган жарима жазосини тайинлашни;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 62-моддасига асосан Х.Эргашовни ушлаб турилган (2025 йил 5 январь, 1 кун) ҳар бир кунини базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланган жазодан чегириб ташлаб, унга узил-кесил жарима жазоси тайинлашни;

- Тошкент шаҳар наркологиya диспансерининг 2025 йил 18 февралдаги 540-сонли далолатномасига кўра, судланувчи Х.Эргашов гиёҳвандликдан мажбурий тартибда даволанишга муҳтож эмаслигини инобатга олишни;

- иш юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган Ўзбекистон



Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Махсус омборида 08.04.2025 йилдаги 11057-сонли далолатнома асосида сақланаётган, экспертизадан қолган жами вазни 0,42 грамм “Гашиш” гиёҳвандлик моддасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг белгиланган тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454- 57, 460, 463, 465-468, 471, 473, 476-моддаларига мувофиқ,

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи Эргашов Хусниддин Хайриддин ўғли (Ergashov Xusniddin Hayriddin o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Х.Эргашовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 (йигирма) баравари миқдорида, яъни 7.500.000 (етти миллион беш юз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 62-моддасига асосан Х.Эргашовни ушлаб турилган (2025 йил 5 январь, 1 кун) ҳар бир кунини базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланган жазодан чегириб ташлансин ва унга узил-кесил ўташ учун базавий ҳисоблаш миқдори 7 312 500 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат даромадига ундирилсин.

Судланувчи Эргашов Хусниддин Хайриддин ўғлига нисбатан қўлланилган “муносиб ҳулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Махсус омборида 08.04.2025 йилдаги 11057-сонли далолатнома асосида сақланаётган, экспертизадан қолган жами вазни 0,42 грамм “Гашиш” гиёҳвандлик моддасини белгиланган тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шикоят бериш ёки прокурор протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи, судья:

С.Мамадиев

Маъсул судья: Мамадиев Сарвар Носиржонович



Ҳужжат имзолаган: Мамадиев Сарвар Носиржононович, 23.05.2025

